ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абдуваҳобов Ҳусниддин Абдулхамид ўғли
Мустақил тадқиқотчи
abduvahobovhusniddin99@gmail.com
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20254975

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнларни бошқариш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархик асосда таҳлил қилинади. Ўзбекистонда демографик жараёнларни – туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрим ва миграцияни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база Конституциядан тортиб махсус қонунлар ва Президент фармонларигача бўлган кўп поғонали тизимдан иборатлигига асосланади.

Калит сўзлар: Конституция, демографик жараёнлар, норматив-ҳуқуқий асос, репродуктив саломатлик, аҳоли бандлиги, аҳолини рўйхатга олиш, миграция бошқаруви, демографик сиёсат.

ABSTRACT

This article provides a hierarchical analysis of the normative-legal acts that constitute the legal framework for managing demographic processes in the Republic of Uzbekistan. It establishes that the regulatory basis for demographic processes in Uzbekistan—including birth, death, marriage, divorce, and migration—comprises a multi-tiered system, ranging from the Constitution to specific laws and Presidential Decrees.

Keywords: Constitution, demographic processes, regulatory and legal framework, reproductive health, population employment, population census, migration management, demographic policy.

АННОТАЦИЯ

В данной статье на иерархической основе анализируются нормативно-правовые акты, обеспечивающие правовую базу для системы управления демографическими процессами в Республике Узбекистан. Подчеркивается, что нормативно-правовая база, регулирующая демографические процессы в Узбекистане – рождаемость, смертность, браки, разводы и миграцию, – представляет собой многоуровневую систему, начиная от Конституции и заканчивая специальными законами и Указами Президента.

Ключевые слова: Конституция, демографические процессы, нормативно-правовая база, репродуктивное здоровье, занятость населения, перепись населения, управление миграцией, демографическая политика.

КИРИШ

Мамлакатимизда демографик жараёнларни бошқариш тизимининг самарадорлиги, аввало, унинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базага асосланганлиги билан изоҳланади. Норматив-ҳуқуқий база, бир томондан, давлат органлари ва жамоат институтларнинг демографик соҳадаги ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради; иккинчи томондан, фуқароларнинг туғилиш, никоҳ, оила барпо қилиш ва яшаш жойини танлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва кафолатларини мустаҳкамлайди. Ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнларни бошқаришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи норматив ҳужжатлар тизимини иерархик асосда таҳлил қилинади.

Демографик жараёнларни тартибга солида кўплаб омиллар мавжудлги ҳамда мавзу қамровининг кенглигини инобатга олсак, давлатимизда ушбу йўналишни самарали ишлаши, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги, Давлат бошқарувида демографик жараёнларнинг амалий аҳамияти кабиларни инобатга олган ҳолда кўплаб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам тизимни ривожлантириш, тартибга солишга хизмат қилувчи бир қатор қарор ҳамда фармоишлар имзоланган.

Демографик жараёнларни бошқаришнинг энг биринчи навбатдаги ҳуқуқий пойдевори 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[1] ҳисобланади.

Оила ва демографик ривожланишга оид нормалар жумласида Конституциянинг 76-моддасида келтирилган оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидалиги таъкилаб ўтилган. Ушбу конституциявий норма давлат демографик сиёсатининг бош мақсади бўлган оила институтини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш эканлигини юридик жиҳатдан белгилаб беради. Шунингдек, бош қомусимизнинг бир қатор моддаларида демографик жараёнларни бошқариш тизимиги таъсир қилувчи омиллар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустаҳкамланган.

Демографик жараёнларни бошқариш тизимига таъсир қилувчи омилларни ҳуқуқий жихатдан тартибга солувчи, жамиятнинг айнан репродуктив ёшдаги аҳолисига йўналтирилган 2019 йил 11 мартда қабул қилинган “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонун[2] муҳим аҳамият касб этади. Қонун оилани онгли режалаштириш, репродуктив ёшдаги аҳолига бепул тиббий маслаҳат ва хизматга тенг эришиш ҳуқуқини кафолатлаши билан мамлакатнинг туғилишни мажбурий тартибга солмай, балки онгли хулқ-атворни қўллаб-қувватлаш йўлини танлаганини юридик жиҳатдан тасдиқлайди.

2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонун[3] инсон капиталини ривожлантириш орқали демографик бошқарув тизимини таъминловчи ҳужжат ҳисобланади. Хусусан, аёллар таълим даражасининг ошиши биринчи никоҳ ёшини кечиктириш ва оилаларнинг фарзанд кўриш қарорини онгли тарзда қабул қилишига таъсир кўрсатиши илмий адабиётларда тасдиқланган. мазкур қонун айнан шу боғлиқликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлайди.

2021 йил 20 январда қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонун[4] билан демографик дивиденддан самарали фойдаланиш мақсадида ёшларни меҳнат бозорига интеграция қилиш механизмлари очиб берилган.

Хусусан, қонунда ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш давлат сиёсатининг мажбурий йўналиши этиб белгиланган. Ўзбекистонда ҳар йили меҳнат бозорига кўплаб кириб келишини назорат қилиш демографик дивиденддан самарали фойдаланишнинг асосий шарти экани маълум. Шу боис мазкур норма бандлик сиёсатини демографик дивиденд концепцияси билан боғловчи ҳуқуқий кўприк вазифасини ўтайди.

Қонунда аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири

[1] Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси, 2023 йил 30 апрель. https://lex.uz/docs/6445145 мурожаат санаси:24.03.2026 йил

[2] “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[3] “Таълим тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/en/docs/5013007 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[4] “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/uz/docs/5055690 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

сифатида белгиланган. Бундан ташқари, кўп болали оилалар ва ёлғиз ота-оналар учун алоҳида бандлик кафолатлари мустаҳкамланган. Аёлнинг ҳам оналик, ҳам иш вазифасини уйғунлаштиришига имкон берувчи бу механизм туғилишни мажбуран чеклаш ёки ошириш эмас, балки оилаларнинг эркин қарор қабул қилишини таъминлаш йўлини таъминлайди.

2020 йил 16 мартда қабул қилинган “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ЎРҚ-611-сон Қонун[5] демографик бошқарув тизимини аниқ эмпирик маълумот билан таъминлаш функциясини бажаради.

Мазкур қонуннинг амалий аҳамияти шундан иборатки, далилларга асосланган бошқарув фундаментининг яратилиши ҳисобланади. Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, аҳолини рўйхатга олиш дастури фуқароларнинг фақат сонини эмас, балки уларнинг демографик ҳолати ёши, жинси, оилавий аҳволи, иқтисодий шароити бандлиги, яшаш воситаларининг манбалари ва ижтимоий даражаси таълими, миллати, уй-жой шароитлари каби хусусиятларини ўзида жамлайди. Бу эса давлатга муаммоларни манзилли кўриш ва ресурсларни тўғри тақсимлаш имконини беради.

Шунингдек, демографик прогнозлаштиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонун асосида йиғиладиган маълумотлар базаси Ҳукуматга қанча мактаб, боғча ёки шифохона қуриш кераклигини, урбанизация жараёни қайси ҳудудларда босим яратишини ҳамда пенсия фондига тушадиган молиявий юкламани олдиндан ҳисоблаб чиқишга имкон берувчи ягона қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун Ўзбекистоннинг демографик статистикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти стандартларига мослаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, қонун доирасида вақтинча ҳорижда юрган фуқаролар ҳамда мамлакат ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ҳисобга олиниши, ташқи ва ички миграция сальдосини реал баҳолашга ҳамда демографик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Демографик сиёсатнинг турли йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи учинчи даражани 10 дан ортиқ махсус қонунлар ташкил этади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат.

2019 йил 11 март кунидаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонунда[6] кўплаб демографик жараёнларни тизимлаштиришда муҳим омил вазифасини бажариб келмоқда.

Мазкур Қонун репродуктив ёшдаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, оилани режалаштириш ва она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича давлат кафолатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Туғилишни онгли режалаштириш, репродуктив саломатлик хизматларига тенг эришиш ҳуқуқи ва тиббий маслаҳат олиш кафолатлари, ушбу қонуннинг асосий демографик бошқарув механизмлари жумласига киради. Айни қонун туғилишни кескин ошириш ёки чеклашдан кўра, аҳолининг онгли репродуктив хулқ-атворини шакллантиришга йўналтирилган демографик сиёсатнинг ҳуқуқий таъсифи ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 5-моддасида[7] фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари беогилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

---

[5] “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/uz/docs/4766082 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[6] Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[7] Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– фуқароларда соғлом фарзандлар туғилишига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни тарбиялаш;

– эркаклар ва аёлларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг имкониятлари тенглигини таъминлайдиган шароитларни яратиш;

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш;

– репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш;

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

– фуқаролар ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун уларга тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам кўрсатиш. Ушбу белгиланган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари демографик жараёнларни тартибга солишдаги туғилиш ва аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омил вазифасини бажаради.

Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг механик ҳаракатини, яъни ички ва ташқи миграция оқимларини бошқаришнинг ҳуқуқий ва институционал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 октябрдаги “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-162-сон Фармони[8] муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжат миграцияни шунчаки “меҳнат ва бандлик” масаласидан чиқариб, уни миллий демографик хавфсизлик ва макроиқтисодий бошқарув даражасига кўтармоқда.

Фармоннинг демографик жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштиришдаги ҳуқуқий аҳамияти қуйидаги концептуал ўзгаришларда намоён бўлади:

биринчидан, демографик бошқарувнинг институционал мақоми оширилди. Фармонга мувофиқ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги негизида бевосита Ҳукуматга бўйсунувчи Миграция агентлиги ташкил этилди. Бу ҳуқуқий ечим миграция оқимларини назорат қилиш ваколатини битта вазирлик доирасидан чиқариб, унга барча идоралараро маълумотларни умумлаштирувчи ва демографик жараёнларни мувофиқлаштирувчи олий институционал мақомни берди.

иккинчидан, демографик босимни юмшатиш ва реинтеграциянинг ҳуқуқий механизми яратилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ташқи миграциядан қайтган фуқароларнинг маҳаллий меҳнат бозорига бирдан кириб келиши ҳудудларда кескин демографик ва ижтимоий босимни юзага келтиради. Фармонда мигрантларни қайтариб олиб келиш ва уларни жамиятга реинтеграция қилиш, яъни мослаштириш, касбга тайёрлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича давлатнинг аниқ мажбуриятлари юридик жиҳатдан мустаҳкамланди.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда демографик жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида, унга таъсир қилувчи омиллар, юқорида санаб ўтилганидек, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрим ва миграция каби соҳа ҳамда йўналишларни тартибга солиш билан бир қаторда ривожлантириш мақсадида кўплаб ҳуқуқий асослар шакллантирилмоқда.

[8] “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон. https://lex.uz/docs/7170458 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнларни бошқариш тизимини ҳуқуқий таъминлаш масаласи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ушбу тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, демографик жараёнларни бошқаришнинг ҳуқуқий пойдевори Конституция даражасида мустаҳкамланган. 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция оила институтини ҳимоя қилиш, туғилишни, никоҳ ва ажримни тартибга солиш масалаларини юридик жиҳатдан белгилаб берди. Бу демографик сиёсатнинг асосий принциплари давлат бошқарувининг барча поғоналари учун мажбурий меъёр сифатида тасдиқланганини англатади.

Иккинчидан, махсус қонунлар демографик бошқарувнинг турли йўналишларини: репродуктив саломатлик, таълим, бандлик ва аҳолини рўйхатга олиш кабиларни кенг қамровли ҳуқуқий тизим доирасида тартибга солади. Хусусан, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун туғилишни онгли режалаштириш орқали демографик ўсишни бошқаришнинг ҳуқуқий асосини белгилаши; “Таълим тўғрисида”ги Қонун инсон капиталини ривожлантириш орқали демографик бошқарувга таъсир этиши; “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун демографик дивидендни меҳнат бозорига интеграция орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаши; “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун далилларга асосланган демографик бошқарув учун эмпирик маълумот базасини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаши аниқланди.

Учинчидан, 2024 йилги Президент Фармони миграция масаласини ижтимоий-иқтисодий феномендан миллий демографик хавфсизлик даражасига кўтарди. Миграция агентлигининг Ҳукуматга бевосита бўйсунувчи мустақил идора сифатида ташкил этилиши, мигрантларни реинтеграция қилиш механизмларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши демографик бошқарувнинг институционал имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси, 2023 йил 30 апрель. https://lex.uz/docs/6445145
2. “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891
3. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/en/docs/5013007
4. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/uz/docs/5055690
5. “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун. https://lex.uz/uz/docs/4766082
6. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891
7. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сон Қонун. https://lex.uz/ru/docs/4233891
8. “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон. https://lex.uz/docs/7170458